O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 14 июнь ШАНБА
№ 46 (12.057)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2008 йил – Ёшлар йили

## БИЛИМ ВА ИСТЕЪДОД АТТЕСТАЦИЯСИ

**Айни кунларда умумтаълим мактаблари битирувчи ёшлари учун энг ҳаяжонли дамлар кечмоқда. Бир жиҳатдан қадрдон мактаб, болалик кечинмаларига бой давр билан хайрлашув, бир жиҳатдан эса, мустақил ҳаётга қадам қўйиш...**



– Ҳозир туманимиз мактабларининг 9- ва 11-синф битирувчи ўғил-қизлари билим, кўникма ва малакаларини аниқловчи муҳим жараён – якуний давлат аттестация синовларидан ўтишмоқда, – дейди Зангиота тумани халқ таълими бўлимининг ўқув-тарбия ишлари бўйича бош мутахассиси Гулнора Аҳмедова. – Бу ўқув йили якунида 11-синфларни 666, 9-синфларни эса 2937 нафар йигит-қиз тамомлашади.

Шу кунгача фанлар бўйича давлат аттестацияларида ўқувчи-ёшларимиз устозларидан олган билимларини намойиш қилиб, ижобий натижаларга эришишди. 9-синф битирувчиларидан 107 нафари, 11-синфлардан 31 нафари аъло даражадаги битирув шаҳодатномаларига номзод бўлишмоқда.

Улар она тили ва адабиёти фанидан эркин ижодий мавзуда иншо ёзишди. Шунингдек, математика фанидан ҳам имтиҳонлар ёзма равишда бўлса, қолганларидан оғзаки тарзда давлат аттестациялари ўтказилди. Натижалар эса, ўқувчилар барча фанлардан давлат дастурларини пухта ўзлаштирганликларини кўрсатмоқда.

**Саид ҲАСАНОВ.**

Қарор ва ижро

## ОРАСТАЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Ҳар кунгидек ишга отланаётиб, Ҳакимжон бутун вужудида аллақандай беҳоллик сезди. Бўшашиб, кўз ўнги қоронғилашиб, ҳовлидаги чорпояга ўтириб қолди.**

Ҳакимжонни дарҳол тез ёрдам марказига олиб боришди. Шошилинч тиббий текширув у овқатдан заҳарланганлигини кўрсатди. Шифокорлар зудлик билан муолажани бошлаб юборишди.

Ёз келиб, иссиқ кунлар бошланиши билан бундай ҳолатлар тез-тез юз бера бошлайди. Гоҳида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, туриб қолган овқатларни истеъмол қилиш ҳам инсон ҳаёти учун хавфли ошқозон-ичак касалликлари бошланишига сабаб бўлаётир.

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлиги деҳқон бозорлари, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш корхоналари, ўқув-тарбия муассасаларида санитария кунлари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Асосий мақсад – жойларда санитария-гигиеник ҳолатни яхшилаш чора-тадбирларини кўришдан иборат.

– Бу қарорнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни талабларини бажаришда муҳим қадам бўлди, – деди вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Баҳром Алматов. – Эндиликда ҳар душанба куни бозорларда, ҳар ойининг иккинчи ва тўртинчи жума кунлари умумий овқатланиш корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларида, ҳар ойининг иккинчи ва тўртинчи шанба кунлари мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида санитария куни ўтказилади. Шу кунларда ободонлаштириш ва озодагарчилик ишлари, санитария меъёрлари талабларига риоя этилиши текшириб борилади. Шу қарор асосида санитария куни тадбирларини доимий назорат қилувчи ишчи гуруҳи ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлади.

Жойларда тозаликни сақлаш, санитария қоидаларига амал қилиниши устидан жамоатчилик назорати ҳам кучайтирилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларда тегишли бошқармалар, "Бозорсавдо" ташкилотлари, "Маҳалла", "Экосан", "Нуроний" жамғармаларининг маҳаллий бўлинмалари алоҳида ғайрат-ташаббус кўрсатаётир. Шаҳар ва қишлоқларда "Обод маҳалла", "Кўркам ва шинам ташкилот", "Замонавий бозор" кўрик-танловларини ўтказишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Маҳаллий матбуот нашрлари ва радиотелестудиялар бу жараёнга фаол киришиб, озодагарчилик ва санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинишини кенг ёритиш мақсадида рейдлар, оммавий кўриклар ўтказа бошлашди.

Ҳеч шубҳасиз, бу тадбирлар шаҳар ва қишлоқларда, хонадон, корхона ва ташкилотларда санитария ҳолати яхшиланишига, пировардида инсон саломатлигига хавф солувчи касалликлар келиб чиқишининг олди олинишига хизмат қилади.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

## ТАЪТИЛ КЎНГИЛЛИ ЎТАДИ

**Ёзги оромгоҳларда болаларнинг қувноқ, шўхшодон овозлари янграй бошлади. Чиноз, Пскент ва Тошкент туманларидаги 11 та мактабда ўқувчилар кўнгилли дам олаётирлар.**

Эрта-индин тоғли минтақаларнинг хушҳаво жойларидаги ёзги оромгоҳлар ҳам гавжумлашиб кетади. Умуман, бу йил ёзги мавсумда 24 минг 620 ўқувчини оромгоҳларда дам олдириб, соғломлаштириш кўзда тутилаётир.

– Корхонамизнинг "Хумо" оромгоҳи биринчи мавсумда 360 кичкинтойни қабул қилади, – дейди "Ўзбеккимёмаш" акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раиси Анатолий Бугаев. – Улар оромгоҳ бағрида бўлган кунларини кўнгилли ўтказишлари учун ҳамма нарсани тайёрлаб қўйдик. Маънавият маркази тарбиявий ишлар ва тўгарак машғулотларини малакали йўлга қўйиш учун барча зарур воситалар билан жиҳозланди.

Шунингдек, "Келажак", "Бойчечак", "Коинот" болалар оромгоҳлари ҳам дам олувчиларни қабул қилишга мукаммал тайёрлаб қўйилди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

Вилоят ҳокимлигида

## ТАДБИРКОРГА ҚУЛАЙЛИК

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят кенгашларининг шаҳар ва туман тадбиркорлари билан сим орқали қўшма мулоқоти бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаев бошқарди.**

Мулоқотда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари, тижорат банклари филиаллари ва бошқа тегишли ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Мулоқот иштирокчилари мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган шароит, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мамлакат Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имкониятлар, уларга кўрсатилаётган консалтинг хизматлар ва жамоатчилик кенгашининг фаолияти тўғрисидаги масалаларни муҳокама этдилар.

Мулоқот давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантиришни борасида эришилаётган ютуқларни қайд этиш билан бирга асосий эътиборни бу соҳада жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини муҳокама этиш ва уларни тузатишга қаратдилар. Хусусий секторнинг саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, пулли хизмат кўрсатиш, шунингдек, маҳсулот экспортидаги улушини кўпайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Сим орқали мулоқот жараёнида тадбиркорлар ўзлари учун муаммо бўлиб турган бир қатор саволларга тадбирда иширок этган мутахассислардан мукаммал жавоб олдилар.

## «ОИЛАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ» ДАСТУРИ АМАЛДА



Ўзбекистон ҳукуматининг "Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида вилоят журналистлари иштирокида илмий-амалий семинар ўтказилди. Тадбир якунида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Оилавий таълим дастури доирасида матбуот, телевидение ва радио соҳасида ҳудудий мукофот" танлови эълон қилинди.

**Саида РАҲМОНОВА.**





СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

## КАРДИОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунё аҳли орасида анча кенг тарқалган юрак қон-томир касалликлари нафақат инсон саломатлигига, балки ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ҳам салбий таъсир ўтказмоқда.**

Бу муаммонинг келиб чиқишида турмуш тарзини тўғри ташкил этмаслик, кашандалик, бирламчи хасталикларни ўз вақтида даволатмаслик сингари омиллар асосий сабаб бўлаётир.

Унда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ва Кардиологлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлар билан бир қаторда, россиялик мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

Икки кун давом этадиган конференцияда соҳада илмфанимиз эришаётган ютуқлар, жаҳон тиббиётида қўлланилаётган янги технологиялар ва шифо воситалари, юрак қонтомир касалликлари диагностикаси ва даволашнинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалар тингланади.

**ЎзА.**

## ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

**Мамлакатимиз пиллакорлари қарийб 23,5 минг тонна пилла тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини адо этдилар. Бу ўтган йилдагига нисбатан икки минг тонна кўпдир.**

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йилги мавсумда пиллакорларимиз 445 минг 687 қути ипак қуртини парваришлаб, ҳар биридан ўртача 53 килограммдан ҳосил олган. Етиштирилган пилланинг асосий қисми юқори навларда сотилган.

Жорий йилнинг баҳорида тутзорлар 2,6 минг гектарга кенгайтирилиб, умумий майдони 56 минг гектарга етказилгани, пиллакорлар учун барча зарур шарт-шароит яратилгани эришилган ғалаба учун мустаҳкам замин яратди.

**ЎзА.**

Ғалла – 2008

## ҲОСИЛ МЎЛ, СУРЪАТ ЮҚОРИ

**Бўкалик ғаллакорлар давлат эҳтиёжлари учун 34 минг 422 тонна дон етказиб беришни мақсад қилганлар. Бунинг учун 14 минг 520 гектар майдонда ғалланинг "Чиллаки", "Крошка", "Замин" каби навларидан мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда туманда ўрим мавсуми юқори суръатларда давом этмоқда.**

Ўримда ҳар куни 25 та "Кейс" ҳамда 9 та "Класс" русумли комбайнлар аниқ график асосида ишлаб турибди. Шунингдек, махсус корхона-ташкилотларнинг 100 дан зиёд юк ташувчи транспортлари ҳам жалб этилган. Туманда ғалла ўримининг бориши ҳақидаги тезкор маълумотга кўра, бўкалик ғаллакорларнинг қабул пунктларига етказиб берган ҳосили 10 минг тоннадан ошган.

Эътиборга молик яна бир жиҳат, дони ўриб олинган майдонларни сомондан тозалаш ва шудгорлашга ҳам алоҳида кучлар жалб этилган. Буғдой сомонини пресслаш ва ерларни шудгорлаш учун 60 га яқин трактор ва агротехник ускуналар ажратилган.

**Раҳимжон ОРИПОВ.**

Хат босилмади, чора кўрилди

## ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ЎРНАТИЛДИ

**Таҳририятга Ангрен шаҳри, Наврўз-2 маҳалласи, Муқимий кўчасидаги 40-уйда яшовчи 2-гуруҳ ногирони Нухриддин Нидоевдан шикоят хати келган эди.**

Унда баён этилишича, тадбиркор Н. Нидоев деҳқон бозори ҳудудидаги дўконида пластик карточка орқали савдо қилишни йўлга қўйиш мақсадида дўконига телефон ўрнатиш ҳаракатига тушиб, 2007 йилнинг июнь ойида шаҳар АТС бошлиғи Саидиброҳим Саидназаров номига ёзма ариза билан мурожаат қилган. Бироқ телефон ўрнатиш масаласи турли баҳоналар билан ўн ой давомида ҳал этилмай келинган.

Н. Нидоевнинг шикоят аризаси унда келтирилган далилларни текшириш ва тегишли чора кўриш учун Ангрен шаҳар ҳокимлигига юборилган эди. Ҳокимликдан олинган жавоб хатида айтилишича, ушбу масала ҳокимликнинг мутасадди ходимлари ҳамда телекоммуникациялар боғланмаси вакиллари иштирокида муҳокама қилиниб, ижобий ҳал этилган, Ангрен телекоммуникациялар боғланмаси Н. Нидоевнинг бозор ҳудудидаги дўконига телефон алоқаси ўрнатиб берган.

# «САЙЁРА» ИНТЕРНЕТ МАРАФОНИ

**"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ZiyoNET Жамоат таълим ахборот тармоғи ва унинг Ўзбекистон Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳузуридаги бўлимлари томонидан "Сайёра" Интернет марафони ташкил этилди.**

Юртимизда ёшлар таълими ва тарбиясида ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хизматларини ривожлантириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Барча олий ва ўрта махсус таълим масканларини ягона ахборот тизимига бирлаштирган корпоратив тармоқнинг шакллантирилгани, ўқув даргоҳларининг маълумот узатиш миллий тармоғи ва Интернетга уланиш ишларининг амалга оширилгани ва уларда ZiyoNET жамоат таълим ахборот тармоғидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилгани бунинг далилидир.

Ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш, таълим соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини янада жадал ривожлантириш, ZiyoNET жамоат таълим ахборот тармоғидан фойдаланувчилар сафини кенгайтириш мақсадида ташкил этилган "Сайёра" Интернет марафони жорий йилнинг 1 сентябригача давом этади. Унда ZiyoNET порталида фаолият юритаётган барча сайт эгалари, уларга жойлаштирилаётган материалларнинг муаллифлари иштирок этиши мумкин. Марафонда иштирок этишни истаганлар ZiyoNET порталида яратилган сайтларига ёшлар ҳаётига оид янгиликлар, мақолалар, видео ва фотолавҳалар жойлаштириб бориши, порталнинг "Кутубхона" бўлимини таълимга оид ўқув қўлланмалари ҳақидаги янги маълумотлар билан бойитиши, ZiyoNET форумидаги мавзулар муҳокамасида фаол қатнашиши зарур.

Интернет марафоннинг ғолиб ва совриндорлари пойтахтимизда шу йил кузда ўтадиган "Ахборот-коммуникация технологиялари – 2008" ҳафталиги кунлари эълон қилинади.

**ЎзА.**



СУРАТДА: қурилмани ишлатиш жараёни.

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.**

# УНИВЕРСАЛ ҚУРИЛМА: АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМЛИ

***Ўзбек олимлари яратган мевани қуритиш технологияси ёрдамида кўкату мева-чевадан то ёғочгача тез ва сифатли қуритиш мумкин***

Ёз бошланиши билан юртимизда ўрик, гилос, олча, олма, нок, шафтоли каби ширин-шакар мевалар, ҳандалак, қовун, тарвуз каби полиз маҳсулотлари бирма-бир пиша бошлайди. Ўзбекистонимизнинг жойлашган географик ўрни, тупроқ иқлим-шароити, беминнат қуёши экологик соф ва юксак сифатли маҳсулот етиштириш имконини беради.

Тайёр маҳсулотни қайта ишлаш эса кўп жиҳатдан замонавий технологияларга боғлиқ. Тошкент Давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари, олим ва аспирантлари томонидан бу борада самарали изланишлар олиб борилмоқда. Яқинда пойтахтимизда ўтган инновацион ғоя ва лойиҳалар республика ярмаркасида университет жамоаси ўзининг 38 янги ишланмаси билан иштирок этди. Долзарб мавзу сифатида танлаб олинган олти ишланмадан иккитаси профессор Зафар Искандаров ва унинг шогирдлари томонидан яратилган эди.

– Мамлакатимизга мевани қуритиш технологиялари ҳозирга қадар, асосан, хориждан олиб келинар эди, – дейди техника фанлари доктори З. Искандаров. – Фермеру соҳибкорларимизни арзон ва сифатли технология билан таъминлаш борасида олиб борган бир неча йиллик изланишларимиз бесамар кетмади. Икки йил аввал қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун универсал қуритиш қурилмасини яратишга муваффақ бўлдик. Арзон ва кам энергия сарфланадиган мазкур ускуналар кичик ва ўрта корхоналар учун, айниқса, жуда қулай.

Экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу янги технология асосан қуёшдан қувват олиб ишлайди. Бу энергия сарфини 40 фоизгача камайтириш имконини беради. Ушбу ускуна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, мева, сабзавот, озуқа оқсили, совун, ёғоч ва турли қурилиш материалларини қуритишга мўлжалланган. Шунингдек, унда кўкатларни ҳам қуритиш мумкин. Унда тайёрланган маҳсулот тегишли идишларда сақланса, икки йилга қадар сифатини йўқотмайди.

Таъкидлаш керакки, қурилманинг ўзига хос афзаллик жиҳатларидан бири – қуритилаётган маҳсулотнинг турига қараб, ҳажми ва қайта ишлаш муддати ўзгаради. Бунинг учун ортиқча сарф-харажат талаб қилинмайди. Жумладан, бир минг икки юз килограммгача олма 5-7 соатда, 900 килограммгача пиёз 3-5 соатда, 8 куб метр ёғоч, навига қараб, 3-7 соатда тайёр бўлади. Доривор ўсимликлар ва кўкатлар учун эса 3 соат кифоя.

Ҳозир мазкур қуритиш қурилмасидан йигирмадан зиёд фермер хўжалиги ўз фаолиятида унумли фойдаланмоқда.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МАҲОРАТ КЎРИГИ

**"Мафтункор ранглар жилоси" танлови Қибрай туманидаги ногирон болалар ижодкорлигини жиддий синовдан ўтказди.**

Туман ҳокимлиги ва ижтимоий таъминот бўлими саъй-ҳаракати билан уюштирилган бу танловга тақдим қилинган тасвирий санъат асарлари ёш истеъдодлар ижодий камолотини намойиш қилди. Шу боис бундай нафис суратлар муаллифларидан ўндан ортиғи танлов ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Ғолиб деб топилган ижод намуналарини алоҳида кўргазма ҳолида жойларда намойиш этишга қарор қилинди.

**Акобир АЛИМОВ.**

## Мавсум сабоғи

# ХАТОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИЛДИМИ?

**Маош олган Рўзивой ишдан қайтаётиб, йўлакай хўжалик моллари дўконига кириб, анчадан буён режалаштириб юрган кир ювиш машинасини харид қилди.**

– Бу ишингиз яхшику-я, лекин хоналардаги иситиш батареяларини қачон янгилаймиз? – хурсанд бўлиш ўрнига ташвишланди Дилрабо. – Ахир шу мақсадда пул жамғараётган бўлсак...

– Ташвишланма, онаси. Ҳадемай, меҳнат таътилига чиқаман, пул ҳам, вақт ҳам етади.

– Дадаси, қишда қийинчиликларга дуч келмайлик дейман-да. Ҳадемай ёз ўтиб, куз келади.

Ўтган йили мураккаб келган қиш мавсуми ангренликларни анча шошириб қўйди. Айниқса, иссиқлик таъминотидаги узилишлар кўп қаватли уйларнинг баъзи хонадонларида труба ва батареяларнинг ишдан чиқишига сабаб бўлди. Оқибатда ҳақли эътирозлар юзага келди.

Хўш, камчиликларни бартараф этиш, 2008-2009 йиллар куз-қиш мавсумининг кўнгилдагидек ўтиши учун мутасадди ташкилотлар қандай чоралар кўрмоқда? Ангрен иссиқлик электр станцияси очиқ акциядорлик жамияти раиси Ҳабибулло Шоисматов, "Иссиқлик манбаи" корхонаси раҳбари Толиб Эшонқулов, уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси ўринбосари Бахтиёр Неъматов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

**– Ҳабибулло Шоубайдуллаевич, ўтган йили корхона етарли иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни таъминлай олмади. Бунинг асосий сабаблари нимада?**

– Аввало Президентимизнинг "Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига тўхталиш лозим, деб ўйлайман. Қарорнинг 2-бандида барча юридик шахслар – коммунал хизматлардан фойдаланувчилар ой тугаганидан кейин 30 кун давомида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари зарурлиги кўрсатилган. Шартномада белгиланган муддатлардан ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи миқдорида, аммо 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда пеня қўшиб ундирилиши, олинган пеня суммалари эса коммунал хизмат корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш каби мақсадли йўналишларга сарф қилиниши қайд этилган.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, "Иссиқлик манбаи" корхонасининг бизнинг электр станциямиздан йиллар давомида тўпланиб қолган қарзи 8 миллиард 681 миллион сўмга етган. Табиийки, бу рақамлар "Иссиқлик манбаи" корхонаси билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома мажбуриятларининг бажарилмаётгани, ҳисоб-китоб механизмининг такомиллашмаётганидан далолат. Бу қусурлар станциянинг ночор аҳволга тушишига, кўмир, қорамой ва ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотининг мураккаблашувига олиб келди. Масалан, бултур корхонанинг барқарор ишлашини таъминловчи асосий хом ашё – кўмир ёқилғисини юқоридаги сабабларга кўра етарли миқдорда ғамлай олмадик.

Вилоят прокуратурасида шу йил апрелда шаҳарни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлашга оид масалалар кўриб чиқилди. Айни вақтда вазиятни барқарорлаштириш, 2008-2009 йиллар куз-қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш юзасидан тегишли идоралар, корхоналар раҳбарларига муҳим топшириқлар берилди.

Ҳозирги кунда корхонада иссиқлик қозонлари ҳамда буғ турбиналарини мукаммал таъмирлаш давом этаяпти. Белгиланган кўламли ишлар "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси назоратида ва бир қатор идоралар ёрдамида амалга оширилади.

**– Бахтиёр Неъматович, коммунал соҳани ислоҳ қилиш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасида кенг имкониятлар яратилган. Лекин, баъзи ширкатларда иш талаб даражасида ташкил этилмаяпти.**

– Тўғри, ширкат раиси аввало халқ томонидан сайланади. Лекин афсуски, улар орасида тушунчаси саёзлари ҳам йўқ эмас. Бундай шахслар ўз-ўзидан аёнки, халқ манфаатидан кўра шахсий манфаатини устун қўяди. Билмайдики, бундай мақсад билан узоққа боролмайди.

Масалан, 2005 йилда "Баҳор-бинафша", "Бегойим" уй-жой мулкдорлари ширкатлари тасарруфидаги кўп қаватли уйларнинг ертўлаларини капитал таъмирлашга ажратилган трубаларнинг бир қисмини ширкат раислари ўзлаштириб юборганлиги аниқланди.

Айни вақтда вилоят прокуратураси томонидан айбдор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Натижа шуни кўрсатяптики, ҳар икки уй-жой мулкдорлари ширкатида жами 1,5 миллион сўмликдан зиёд трубалар ўзлаштирилган.

Йўл қўйилган хатоларда биз, раҳбарларнинг ҳам айбимиз бор. Чунки, ширкатлар фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатишимиз керак. Мавжуд камчиликлардан хулоса чиқарган ҳолда аниқ чора-тадбирлар белгиладик. Ҳозирги кунда шаҳардаги 229 та кўп қаватли уйлар мукаммал ва жорий таъмирланаяпти. Бугунгача 174 та ертўла, 100 дан ортиқ электр қисмлари таъмирланди. Ширкатлар кучи билан 750 метрдан зиёд иссиқлик тизимлари, 300 метр оқава сув қувурлари янгиланди.

**– Толиб Оқилхонович, "Иссиқлик манбаи" билан истеъмолчилар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажариш, ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширилиши юзасидан қандай чоралар кўрилаяпти?**

– Корхонамиз томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар кўлами жуда кенг. Йил бошиданоқ тўловларни барқарорлаштириш юзасидан корхона, ташкилот ва тадбиркорлик субъектлари, маҳалла қўмиталари билан биргаликда иш олиб бораяпмиз. Шунингдек, мавсум олдидан энг оғир ҳудуд 5/3, 5/4 ва 5/5 даҳаларига 328 метр масофада иссиқлик қувурларини ёткизиш режалаштирилган. Шу мақсадда ҳозир ер қазиш ишлари бажарилаяпти. Бундан ташқари, 103 метр масофадаги муддати ўтган қувурларни янгилашда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Кўп қаватли уйларнинг ички иссиқлик ва иссиқ сув тармоқларидаги носозликларни аниқлаш мақсадида синов ўтказдик. Ширкатлар билан ҳамкорликда ўтказилган бундай тадбирлар мавсумолди тайёргарлик ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишига кўмаклашади, деб ўйлайман.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири**
**Мунаввара ИСОҚУЛОВА суҳбатлашди.**

## Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллиги олдидан

# «ТОШКЕНТ ГЛОБУСИ»

**Ўзбекистон Миллий университетининг география факультетида ажойиб бир экспонат бор. "Тошкент глобуси" деб номланган мазкур ўқув қуролидан кўргазмали восита сифатида фойдаланилмоқда.**

Глобуснинг айланасига тўрт кишининг қулочи етмайди. Баҳайбат ва ярим тонналик вазнига қарамай, ўз атрофида осонгина айланади.

– Глобусимизнинг энг муҳим хислати бўртма шаклда ишланганидир, – деб ёзган эди ушбу ихтирога яқиндан бош қўшган таниқли георaф олим Ҳамидулла Ҳасанов. – Шу боис уни "рельефли глобус" дейиш ҳам мумкин. Истаган тоғ чўққисининг баландлигини аниқлаш учун чизғич билан ўлчаб, масштабига солиштирсангиз кифоя. Ороллар ва кўлларнинг майдони, дарёларнинг узунлиги ҳам унда аслига тўғирлаб олинган.

"Тошкент глобуси" ниҳоятда такомиллашган ўқув қурилмаси бўлиб, ҳозирги замон фанининг Ер хусусидаги энг янги маълумотлари асосида, космонавтлар олган рангли суратлардан фойдаланган ҳолда ясалган. Глобусда ҳар бир кўл, тоғ ўз табиий рангида товланиб туради. Қурилма ёнида ўзингизни бутун замин қаршисида тургандек сезасиз.

Россиянинг Пермь давлат университети картографлари билан Ўзбекистон Миллий университети географларининг ҳамкорлиги натижасида юзага келган "ер шари"нинг яна қатор афзалликлари бор. У Пермь университети қошидаги махсус кўргазмали қуроллар лабораториясида ясалган. Унинг пўлат қобирғаси, пишиқ елимланган қипиқ ва картон қобиғи унга бамисоли заргар қўли билан жойлаштирилган рельеф ҳамда градус тўрлари жуда аниқ ишланган.

Ер куррасининг етти миллион марта кичрайтирилган нусхасини яхлит – қутбдан қутбгача, мағрибдан машриққача очиқ-ойдин акс эттирган глобус Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллик тантаналарига тайёргарлик бораётган айни кунларда қайта сайқал топди. "Тошкент глобуси" бундан буён ҳам талабалар учун ноёб кўргазмали ўқув қуроли бўлиб хизмат қилаверади.

**Акбар АЛИЕВ.**

# БЕКАТ ЧИРОЙ ОЧДИ

**Халқаро йўналишларда қатнаётган поездларнинг кўпи Ўзбекистонга Келес бекати орқали кириб келаётир.**

Ўз мавқе ва салоҳиятига эга бўлган бу бекат кейинги йилларда замонавий кўринишга эга бўлди. Темирйўл устидан ўтган баланд кўприк ҳам ўзгача чирой очди, тасвирий лавҳалар билан безатилди.

Бекатнинг маъмурий биноси яқинда туб таъмирдан чиқарилди.

**Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан бири – аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдир. Зеро, қонунларни яхши билган фуқаро унинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни яхши англайди ва унга риоя этади.**

# БИЛИМЛИ ЁШЛАР – ЮРТ ХАЗИНАСИ

Шунинг учун мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинаётир. Бунинг самараси ўлароқ, аҳолининг қонунчиликдан хабардорлик даражаси тобора ошмоқда.

Келажагимиз соҳиблари бўлган ёшларнинг бу борадаги билимини мустаҳкамлаш масаласи алоҳида эътиборда. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида ёшлар ва ҳуқуқ мавзуида ташкил этилган семинар ҳам шу масалага бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда кўплаб ўқувчи ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда тажрибали ҳуқуқшунослар йиғилганларни миллий қонунчилигимиздаги муҳим ўзгариш ва янгиликлар билан таништирди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

**ЎзА.**

## Биз ва жаҳон

# ИШОНЧ, МАНФААТ, САМАРА

**Юртимиз мустақиллигини жаҳонда биринчилар қаторида тан олган мамлакат – Туркия ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги диний, тарихий ва маданий муштараклик ўзаро мустаҳкам савдо-иқтисодий, маданий ва илмий техникавий ҳамкорлик алоқаларининг жадал ривожланишида ишончли замин бўлмоқда.**

Туркия билан дипломатик муносабатларимиз 1992 йилнинг март ойида ўрнатилган эди. Ўтган давр мобайнида икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари тенглик ва ишончлилик асосида ривожланиб келмоқда.

Давлатларимиз ўртасида ўзаро маҳсулот айрибошлаш ҳажмларининг йилдан йилга ошиб бораётгани ҳам қувонарлидир. Жумладан, ўтган йил якуни бўйича давлатларимиз ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 753,3 миллион долларни ташкил этди. Бу кўрсаткични 2002 йилдаги ҳолатга нисбатан солиштирсак, деярли 4 карра ўсишга эришилгани маълум бўлади.

Мамлакатимиз ўзаро савдо ҳажмини ошириш борасида Туркия бозорида талаб катта бўлган маҳсулотларни, хусусан, йўловчи ва юк самолётлари, пахта толаси, ип ва ипак матолар, рангли металлар, алоқа кабеллари, қишлоқ хўжалиги, нефть, кимё саноати маҳсулотларини катта ҳажмларда, тўғридан-тўғри етказиб бериш имкониятига эгадир.

Туркия билан ҳамкорлик хусусида гап юритилганда, ўзаро инвестицион алоқалар кўламининг кенгайиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Ҳозир мамлакатимизда туркиялик сармоядорлар иштирокида 550 га яқин корхона фаолият юритмоқда. Улар асосан тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш, туризм ва транспорт хизматлари, чакана ва улгуржи савдо каби муҳим тармоқларга тааллуқлидир. Мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси маълумотларига кўра, бу мамлакатда ўтган йилнинг охирига қадар ўзбекистонлик сармоядорлар иштирокидаги корхоналар сони 60 дан ошган.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг самарали механизмларидан бири бу – ҳукуматлараро қўшма комиссия бўлиб, ҳозирга қадар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг 3 та йиғилиши ўтказилди. Унинг сўнггиси шу йилнинг март ойида Анқара шаҳрида ўтказилиб, унда кўплаб истиқболли лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, бу икки салоҳиятли давлатнинг ҳамкорлик алоқалари кўламини бундан ҳам кенгайтириш учун имкониятлар мавжуд. Бизнингча, туризм соҳасидаги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро маълумот ва мутахассислар алмашинувини кучайтириш, савдо, туристик ярмарка ва семинарлар кўламини кенгайтириш, ҳозирча йўлга қўйилмаган хизматлар бўйича ихтисослашган қўшма корхоналар тузиш бу борадаги манфаатли алоқаларни янада юқори босқичга кўтариши шубҳасиз.

**Нафиса ЭШОНҚУЛОВА,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти.**

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

## танлови

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини ва бошқа ижодкорларни мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказувчи, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатувчи, ижтимоий ҳаётдаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёнлардаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга чорлаш мақсадида уларни республика мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий "Энг улуғ, энг азиз" танловига таклиф этади.**

**"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

- *ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;*
- *босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;*
- *телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;*
- *тасвирий санъат асарлари;*
- *кино санъати асарлари.*

**Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:**

- *муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;*
- *муаллифнинг паспорти нусхаси;*
- *иш жойидан тавсиянома;*
- *муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.*

**Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.**

**Ижодий ишлар "Энг улуғ, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда 2008 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси**
**Телефонлар: 244-32-33; 244-64-61;**
**244-57-24; 244-11-64.**

